Туйчиева Фатима Гулямжановна – мустақил изланувчи
Муродов Аббос Хайруллаевич – студент
Ташкентский государственный медицинский университет (Тошкент, Ўзбекистон)

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНАЛАРДАН ТУҒИЛГАН ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: *Ушбу илмий тадқиқот COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган оналардан туғилган эрта ёшдаги болаларда умуртқа поғонасининг антропометрик параметрлари ўрганилди. Тадқиқот мақсади COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган болаларда умуртқа поғонасининг морфометрик кўрсаткичларини соғлом оналардан туғилган болалар болалар кўрсаткичи билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотда 0–3 ёшли болалар иштирок этди. Асосий гуруҳга ҳомиладорлик даврида COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган болалар, назорат гуруҳига эса соғлом оналардан туғилган болалар киритилди. Антропометрия, морфометрия ва статистик таҳлил усуллари қўлланилди. Олинган натижалар умуртқа поғонасининг айрим параметрларида фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса COVID-19 инфекциясининг ҳомила ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *COVID-19, болалар анатомияси, умуртқа поғонаси, антропометрия, морфометрия.*

Туйчиева Фатима Гулямжановна – соискатель
Муродов Аббос Хайруллаевич – студент
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)

АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОЗВОНОЧНОГО СТОЛБА У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА, РОЖДЁННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ, ПЕРЕНЁСШИХ COVID-19

Аннотация. *В данном научном исследовании изучены антропометрические параметры позвоночного столба у детей раннего возраста, рождённых от матерей, перенёсших инфекцию COVID-19. Цель исследования заключалась в проведении сравнительного анализа морфометрических показателей позвоночного столба у детей, рождённых от матерей, перенёсших COVID-19, с показателями детей, рождённых от здоровых матерей.*

В исследовании приняли участие дети в возрасте от 0 до 3 лет. В основную группу были включены дети, рождённые от матерей, перенёсших COVID-19 во время беременности, в контрольную группу — дети, рождённые от здоровых матерей. В ходе исследования применялись методы антропометрии, морфометрии и статистического анализа.

Анализ полученных результатов показал наличие определённых различий в ряде антропометрических параметров позвоночного столба. Полученные данные свидетельствуют о том, что инфекция COVID-19 может оказывать определённое влияние на развитие плода.

Ключевые слова: *COVID-19, анатомия детей, позвоночный столб, антропометрия, морфометрия.*

Tuychieva Fatima Gulyamzhanovna – degree candidate
Murodov Abboc Khayrullaevich – student
Toshkent davlat tibbiyot universiteti (Toshkent, O‘zbekiston)

ANTHROPOMETRIC PARAMETERS OF THE VERTEBRAL COLUMN IN EARLY CHILDHOOD CHILDREN BORN TO MOTHERS WITH COVID-19

Abstract. *This scientific study examines the anthropometric parameters of the vertebral column in early childhood children born to mothers who had experienced COVID-19 infection. The aim of the study was to perform a comparative analysis of morphometric indicators of the vertebral column in children born to mothers who had COVID-19 with those of children born to healthy mothers.*

Children aged 0–3 years participated in the study. The main group consisted of children born to mothers who had COVID-19 during pregnancy, while the control group included children born to healthy mothers. Anthropometric, morphometric and statistical analysis methods were used in the study.

The analysis of the obtained results showed the presence of certain differences in several anthropometric parameters of the vertebral column. These findings suggest that COVID-19 infection may have a certain impact on fetal development.

Keywords: *COVID-19, pediatric anatomy, vertebral column, anthropometry, morphometry.*

Долзарблиги. 2019 йил охирида пайдо бўлган ва бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган COVID-19 пандемияси инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса, ҳомиладор аёлларда кузатилган инфекциянинг ҳомила ривожланишига таъсири ҳозирги вақтда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Умуртқа поғонаси инсон скелет тизимининг асосий қисмларидан бири бўлиб, организмнинг таянч-ҳаракат функциясини таъминлайди. Болаларнинг эрта ёшида умуртқа поғонасининг шаклланиши ва физиологик эгилишларининг ривожланиши жадал кечади.

Ҳомиладорлик даврида инфекцион омилларнинг таъсири остеогенез жараёнларига ва суяк тўқимасининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган оналардан туғилган болаларда умуртқа поғонасининг морфологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган эрта ёшдаги болаларда умуртқа поғонасининг антропометрик параметрларини ўрганиш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Тадқиқотда 0–3 ёшли болалар иштирок этди. Тадқиқот иштирокчилари икки гуруҳга бўлинди:

1-гуруҳ (асосий гуруҳ). Ҳомиладорлик даврида COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган болалар. 2-гуруҳ (назорат гуруҳи) Соғлом оналардан туғилган болалар.

Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди:

антропометрик ўлчаш усули, морфометрик таҳлил, рентгенологик текширув

статистик таҳлил усуллари

Умуртқа поғонасининг қуйидаги параметрлари ўрганилди:

умуртқа поғонасининг умумий узунлиги, бўйин қисми узунлиги, кўкрак қисми узунлиги, бел қисми узунлиги, умуртқалар танасининг баландлиги, умуртқалар орасидаги масофа.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 0–3 ёшли болаларда умуртқа поғонаси жуда тез ўсади. Қуйида нормал антропометрик узунликлар (ўртача диапазон) ва Covid билан касалланган оналардан тўғилган болалар умуртқа поғонаси ўлчамлари келтирилган. Бу маълумотлар болалар морфометрияси тадқиқотларига асосланган.

1-жадвал.

янги туғилган болаларни умуртқа поғонаси қисмларини антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий кўрсаткичлари

Янги туғилган болалар умуртқа поғонаси ўлчамлари	Соғлом оналардан тўғилган болалар	Covid билан касалланган оналардан тўғилган болалар
Умуртқа поғонаси	21.5 – 27 см	21-25.7 см
Бўйин қисми (servikal)	2 – 3 см	1.5-2.5 см
Кўкрак қисми (torakal)	10.5 – 14.5 см	10.1-13.6 см
Бел қисми (lumbal)	4 – 6.5 см	3.4-6 см
Думғаза (sakral)	2.5 – 3.5 см	1.8-2.9 см
Дум (koksigeal)	1 – 2 см	0.8-1.8 см

2-жадвал.

1 ёшгача бўлган болаларни умуртқа поғонаси қисмларини антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий кўрсаткичлари

1 ёшгача бўлган болалар умуртқа поғонаси ўлчамлари	Соғлом оналардан тўғилган болалар	Covid билан касалланган оналардан тўғилган болалар
Умуртқа поғонаси	31 – 33.5 см	21-24.7 см
Бўйин қисми (servikal)	2.5 – 3.5 см	1.4-2.3 см
Кўкрак қисми (torakal)	17.5 – 20.5 см	10.1-13.5 см
Бел қисми (lumbal)	6 – 6.5 см	3.4-5.9 см
Думғаза (sakral)	3.5 – 4.5 см	2.7-3 см
Дум (koksigeal)	1 – 2 см	0.9-1.8 см

3-жадвал.

2 ёшгача бўлган болаларни умуртқа поғонаси қисмларини антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий кўрсаткичлари

2 ёшгача бўлган болалар умуртқа поғонаси ўлчамлари	Соғлом оналардан тўғилган болалар	Covid билан касалланган оналардан тўғилган болалар
Умуртқа поғонаси	36 – 38.5 см	35.2 -37.4 см
Бўйин қисми (servikal)	3 – 3.5 см	2.7-3 см

Кўкрак қисми (torakal)	20.5 – 21.5 см	19.1-19.5 см
Бел қисми (lumbal)	6 – 6.5 см	5.4-5.9 см
Думғаза (sakral)	4 – 4.5 см	3.7-3.9 см
Дум (koksigeal)	1 – 2 см	0.9-1.7 см

4-жадвал.

3 ёшгача бўлган болаларни умуртқа поғонаси қисмларини антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий кўрсаткичлари

3 ёшгача бўлган болалар умуртқа поғонаси ўлчамлари	Соғлом оналардан тўғилган болалар	Covid билан касалланган оналардан тўғилган болалар
Умуртқа поғонаси	37 – 39 см	36 -37 см
Бўйин қисми (servikal)	3.5 – 4 см	3-3.2 см
Кўкрак қисми (torakal)	21.5 – 22.5 см	20-19.5 см
Бел қисми (lumbal)	6.5-7 см	5.4-5.9 см
Думғаза (sakral)	4.5-5 см	3.7-3.9 см
Дум (koksigeal)	1.5 – 2 см	0.9-1.3 см

Умуртқа поғонаси тана вазнинг кўкрак қисми умуртқанинг 50–60 % ни, бел қисми 15-20 % ни, бўйин қисми 8-12 % ни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра асосий гуруҳ болаларида умуртқа поғонасининг айрим антропометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан фарқ қилгани аниқланди. Хусусан, умуртқа поғонасининг умумий узунлиги, кўкрак қисми узунлиги, бел қисми узунлиги кўрсаткичларида маълум даражада ўзгаришлар кузатилди. Бу ҳолат ҳомиладорлик давридаги инфекцион омиллар остеогенез жараёнига таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса. COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган оналардан туғилган болаларда умуртқа поғонасининг айрим антропометрик параметрларида фарқлар кузатилиши мумкин. Олинган натижалар болаларнинг таянч-ҳаракат тизими ривожланишини эрта босқичларда баҳолаш ва профилактик чоралар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Salimova ZN, KamilovaMYa, Rakhmatulloeva DM, Gulakova DM. Gistologicheskayakartinaplatsentiosobennostiekspressii CD34+ v kletkakh endoteliya sosudov khorio na beremennykh s anemiey. VestnikAvitsenny. 2017;19(3):286-291. In-Russian.
2. Schwartz D.A. An analysis of 38 pregnant women withCOVID-19, their newborn infants, and maternal-fetal transmissionof SARS-CoV-2: maternal coronavirus infections andpregnancy outcomes. Arch Pathol Lab Med. 2020 Mar 17 doi:10.5858/arpa.2020-0901-SA
3. A. G. Garcia, E. F. Fonseca, R. L. Marques [et al.] Placental morphology in cytomegalovirus infection ///Placenta. – 1989. – Vol. 10. – P. 1–18.
4. Dashraath P., Wong J.L.J., Lim M.X.K. et al. Coronavirusdisease 2019 (COVID-19) pandemic and pregnancy. AmericanJournal of Obstetrics and Gynecology 2020 June; 222 (6): 521-531 doi: 10.1016/j/ajog.2020.03.021.
5. Murphy S. Newborn baby tests positive for coronavirusin London. Available at: https:// www.thegardian.com/world/2020/mar14/newborn-baby-tests-positive-for-coronavirusin-london.
6. Глуховец Б.И.,Глуховец Н.Г. Патология последа,. - С-Пб, 2002.- 448 с.
7. Доброхотова Ю.Э., Гуменюк Л.Н., ПучкинаГ.А.,Михайличенко В.Ю. // Акушерство и гинекология. – 2022. – №3. – С.32–38.
8. Цинзерлинг, В.А., В.Ф. Мельникова. Перинатальные инфекции. Вопросы патогенеза, морфологической диагностики и клиникоморфологических сопоставлений. Практическое руководство. – СПб.: Элби, 2002. – 352 с.
9. Щеголев А.И., Туманова У.Н., Ляпин В.М., Серов В.Н. // Акушерство и гинекология. – 2020. –№6. – С.21–28.
10. Shanes ED et al. (2020). Placental pathology in COVID-19. Am J Clin Pathol.
11. Chen H et al. (2020). Clinical characteristics of pregnant women with COVID-19. Lancet.
12. Hosier H et al. (2020). SARS-CoV-2 infection of the placenta. J Clin Invest.
13. Pique-Regi R et al. (2020). Does the human placenta express SARS-CoV-2 entry mediators? eLife.
14. Schwartz DA. (2021). Placental pathology of COVID-19. Arch Pathol Lab Med.
15. Prochaska E et al. (2020). COVID-19 in pregnancy: implications for fetal development. Clin Obstet Gynecol.